




ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2012 йил
17 октябрь
ЧОРШАНБА
№ 83
(12.511)

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

www.th.uz



ЯНГИЙЎЛ ТУМАНИ

ДЎСТЛИК ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

Туманда рус ва татар миллий маданият марказлари ҳамкорлигида давра суҳбати уюштирилди.

Унда Россия Федерациясининг Ўзбекистондаги элчихонаси вакиллари, туман фаоллари, "Рамодон" маҳалла аҳли ва қатор хомий ташкилотлар иштирок этди. "Хайрли ишлар декадаси - 2012" доирасида ўтган тадбирда давлатлар ўртасидаги ҳамдўстлик, миллатлараро бағрикенглик хусусида

сўз борди. Шунингдек, маданий-маънавий алоқаларни мустаҳкамлашда миллий маданият марказларининг ўрни ҳақида фикр юритилди.

Тадбир сўнггида марказларнинг фаоллигига хомийларнинг эсдалик совғалари топширилди.

Илмира ҚЎЗИЕВА.

БОЛАЖОНЛАР КИЙИМЛАРИ

"Einur Puslan Textile" кўшма корхонасида болалар кийим-кечаклари ишлаб чиқаришга ихтисослашган фабрика ишга туширилди.

Фабрика сўнгги русумдаги технологиялар билан таъминланган бўлиб, қурилиш ишларига банкнинг 1 миллиард сўм маблағи йўналтирилди. Қувонарли-

си, 420 киши иш билан таъминланди. Таъсисчилар ишчи-хизматчиларни 800 га етказишни режалаштирмоқдалар.

Пошшахон СУЛТОНОВА.

ЎРТА ЧИРЧИК ТУМАНИ

МАРОСИМ ТАНТАНАЛИ ЎТДИ

3-умумтаълим мактабида ўқувчиларни "Камалак" болалар ташкилоти аъзоллигига қабул қилишга бағишланган тадбир ташкил этилди.

Унда "Камолот" ЁИҲ ва "Камалак" болалар ташкилоти вакиллари, ота-оналар, ўқувчи ўқитувчилар иштирок этди.

Тадбирда мактаб ўқув-

чилари, туман бадиий ҳаваскорларининг чиқишлари йиғилганларга хуш кайфият бахш этди. 25 нафар ўғил-қиз "Камалак" сафига қўшилди.

Максуда ЧЎЛИЕВА.

ПАРКЕНТ ТУМАНИ

ХАРИДОРЛАР КҮН САЙИН КЎПАЙМОҚДА

"Бахт" фермер хўжалигида сутни қайта ишлаш цехи иш бошлади. Цех маҳсулотлари қисқа фурсатда ўз харидорларини топишга улгурди.

Этиборлиси, цех ихчам ва тежамкор минитехнологиялар билан таъминланган бўлиб, уларга 180 милли-

он сўм маблағ сарфланди. Бу ерда 15 та янги иш ўринлари яратилди.

Норгул БОҚИЕВА.

ҚИБРАЙ ТУМАНИ

МАҲАЛЛАНИНГ ЯНГИ БИНОСИ

Ёнариқ қишлоғидаги "Қурилиш" маҳалласи аҳли хайрли ишга қўл урди.

Фаоллар саъй-ҳаракатлари билан маҳалла йиғини идораси янгитдан қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Идора зamon талабларига мос тарзда қурилган бўлиб, ишлаш учун барча шарт-шароитлар муҳайё.

Ирода МАҚСУД қизи.

ПАХТА - 2012



КАТТА МЕҲНАТНИНГ САЛМОҚЛИ НАТИЖАСИ

Пахта майдони оппоқ кўрпага бурканиб, лўппи-лўппи "оқ олтин" чаноқлардан тошиб турса, дала аҳлининг руҳи кўтарилиб, белига этак боғланганча, хуш кайфияту завқ-шавқ билан теримга тушиб кетганини ўзи ҳам билмай қоларкан. Бу йилги пахта йиғим-терим мавсуми шундай кўтаринкилик билан бошланиб, хануз жадал давом этмоқда.

Биринчидан, вилоят пахта далаларида бу йил ҳосил ҳар қачонгидан мўл бўлгани боис теримнинг унуми ҳам, суръати ҳам бирор кун сусайгани йўқ. Иккинчидан, йиғим-теримга ҳар жиҳатдан пухта тайёргарлик кўрилиб, ташкилий ишлар оқилона ҳал этиб борилаётгани ҳам суратга қаноат бахш этиб, галаба онларини яқинлаштиряпти. Эрта қўқамдан агротех-

ник тадбирларни вақтида ва маромига етказиб бажариб келган, йиғим-теримда ҳам бўйшамай ҳаракат қилган туманлар давлат эҳтиёжлари учун пахта хом ашёси сотиш шартнома мажбуриятини бирин-кетин бажармоқдалар. Чиноз тумани фермерлари бу йил ҳам пешқадамликни кўлдан бермай, шартномани биринчи бўлиб бажарганлари ҳақида илгари хабар бер-

ган эдик. Мана энди бир йўла учта - Бекобод, Пискент ва Юқори Чирчиқ туманлари ҳам шартномага қўшимча пахта топшира бошлади. Улар изидан келаятган Бука ва Оқўрғон туманлари пахтакорлари ҳам зафар қўчиш арафасидалар.

Ҳар бир туман вилоятнинг умумий хирмонига қанча пахта майдони борлигига қараб улш қўчиши табиий ҳол. Ўрни - масъулият ҳамма учун бирдек. Кимнинг маррага беринчилардан бўлиб етиб келиши - дала ишлари қай

(Давоми 2-бетда).

СУРАТДА: Бекобод туманидаги "Элиқўзи ота" фермер хўжалиги раҳбари Донийёр Норматов (уртада) аъзолар даврасида.

Собир ЗУФАРОВ олган сурат.

«ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИ - 2012»

Футбол бўйича ногирон-ампутантлар ўртасида ўтказилган жаҳон чемпиониати финалида Ўзбекистон терма жамоаси

Россия футболчиларини 1:0 ҳисобида мағлубиятга учуриб, кетма-кет учинчи мартаба жаҳон чемпиони бўлди.

УЧ КАРРА ЧЕМПИОН!

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида ижтимоий ҳимояга муҳтож инсонларга моддий ва маънавий ёрдам кўрсатиш, саломатлигини мустаҳкамлаш учун яратилаётган кенг шарт-шароитлар самарасида жисмоний имконияти чекланган ёшлар ҳам спорт билан мунтазам шуғулланмоқда. Улар бундай юксак эътибор ва ғамхўрликка жавобан спортнинг турли соҳалари бўйича юксак марраларга эришмоқда.

Калининград шаҳрида ўтган X жаҳон чемпионатида дунёнинг энг кучли терма жамоалари - Ўзбекистон, Аргентина, Англия, Польша, Эрон, Сальвадор, Гана, Туркия, Украина, Россия, Либе-

рия ва Япония футболчилари ғолиблик учун куч синашди. Мусобақа қойдасига кўра, икки гуруҳда дастлабки икки погонани эгаллаган терма жамоалар ярим финалга йўланма олди.

2007 йили Туркияда, 2010 йили Аргентинада ўтган жаҳон чемпионатларида ғолиб бўлган Ўзбекистон ногирон-ампутантлар терма жамоаси бу гал Туркияни 6:1, Японияни 7:0, Либерияни 3:2, Англияни 4:2 ва Украинани 4:0 ҳисобида мағлубиятга учуриб, "В" гуруҳида биринчи ўринни эгаллади.

Футболчиларимиз 2010 йилги жаҳон чемпиониати финалчиси - Аргентина терма жамоасига қарши ярим финал учрашувид

ҳам ҳужумкор ўйин кўрсатиб, рақиб дарвозасига жавобсиз тўртта тўп киритди.

Финалда вакилларимиз мезбон жамоа - Россия футболчиларига қарши тўп сурганига қарамай, кучли ирода ва маҳорат эвазига галаба қозонди. Ҳамюртларимизга жаҳон чемпиониати олтин медалини келтирган ягона голни Хайдарали Турсунбоев киритди.

Россияда ўтган жаҳон чемпионатида таърихий галабага эришган Ўзбекистон ногирон-ампутантлар терма жамоаси мамлакатимиз фарандалари ҳеч қачон, ҳеч кимдан ҳам бўлмастлигини яна бир карра намоян этди.

У.А.

(Давоми 3-бетда).

МИЖОЗЛАРНИНГ БАНКЛАРГА ИШОНЧИ ОРТМОҚДА

Банк хизматлари - тадбиркорлар эътирофида

"Ижтимоий фикр" жамоатчилиги фикрини ўрганиш маркази оливей бизнесни ривожлантириш ва тадбиркорларни қўллаб-қувватлашда банк тизимининг ўрни ҳамда жойларда аҳоли ва ишбилармон доиралар вакилларининг Ўзбекистон банк тизимига ишончи ҳақида сўров ўтказди.

Сўровда аҳоли кенг қатлами вакиллари - турли маъlumотга эга, турли ёш ва миллатга мансуб эркаклар ҳамда хотин-қизлар иштирок этгани олинган натижаларнинг ишончилигини таъминлади.

Тадқиқот мамлакатимиз банк-молия тизимининг барқарор ривожланаётгани, мижозларга тақлиф этилаётган хизматлар сифати ва қўламини орттиришга қўйилган кўрсаткичи бўлганлигини кўрсатди. Сўровда қатнашган

молиявий соғломлаштириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб борадиган амалга оширилган комплекс чора-тадбирлар мамлакатимиз иқтисодийнинг барқарор ўсишини таъминлашга хизмат қилаётди.

Мамлакатимиз молия муассасаларининг капиталлашуви ва ликвидлиги ошиб, банкларимиз нуфузли халқаро рейтинг агентликларининг "барқарор" рейтинг даражасига эга бўлмоқда. Бу мижозларга кўрсатилаётган хизматларда ҳам ўзифодасини топтомоқда.

Сўровда иштирок этганларнинг 91,3 фоизи банк хизматлари кўрсатиш сифати ва маданияти сезиларли

даражада юксалганини, банк филиалларида мижозларга қўлай шартлолар яратилганини, банк амалиётлари ўз вақтида бажарилаётганини эътироф этган.

Юридик ва жисмоний шахсларнинг банк депозитларига қўйган маблағларини ишончли сақлангани, эгаларига фойзли даромадлар билан ўз вақтида қайтарилиши банк тизимига бўлган ишончи янада мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

Хусусан, сўралганларнинг 94,3 фоизи мамлакатимиз банкларига ишончи юқорилигини билдирган бўлса, уларнинг аксарияти банклардаги омонатлар давлат томонидан тўлалигича қа-

(Давоми 3-бетда).

21 ОКТАБРЬ - ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING «ДАВЛАТ ТИЛИ ҲАҚИДА»ГИ ҚОНУНИ ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН КҮН

ТИЛ, ТАРАҚҚИЁТ ВА МАЪНАВИЯТ

Ўрхун-Энасой ёзма ёдгорликларини қўшмай, фақат милодий XI асрда яратилган Маҳмуд Қошғарийнинг "Девону луғотит-турк" ида келтирилган туркий адабиёт намуналари Юсуф Хос Ҳожибининг "Қутадғу билиг" иннигина инобатга олганда ҳам, ўзбек тилининг қоғозда муҳрланган камида минг йиллик тарихи бор.

Лекин ўтмишга суяниб, дадил айтиш мумкинки, 1920 - 1924 йилларда фаолият олиб борган Бухоро Халқ Республикасида туркий (ўзбек) тили давлат тили деб эълон қилинганини ҳисобга олганда, 1989 йилнинг 21 октябрга қадар ҳеч қачон ўзбек тили юртимизда давлат тили мақомига эга бўлмаган.

"Давлат тили ҳақида"ги қонун эса бевосита муҳтарам Ислам Каримов ташаббуси ва у дадил туриб бошлаган сиёсат билан чамбарчас боғлиқ ҳодиса сифатида қабул қилинган эди.

Ўтган аср 80-йилларининг иккинчи ярмида Ўзбекистонимизда ҳам миллий ўзликини англаш бирдан кучайди. Илғор фикрли зиёлиларнинг Ўзбекистонда ўзбек тилига давлат тили мақоми беришни талаб қилиши шунинг ёрқин кўринишларидан бири эди. Чунки, ахир, аҳолисининг тўртдан уч қисми ўзбеклардан иборат республикада озчиликнинг тили давлат тили эди-да. Бундан ташқари, бизда истикомат қиладиган тохик, қозоқ, қирғиз, туркман, татар, бошқирд, уйғур, озарбойжон, турк ва бошқа миллатларга мансуб кишилар ҳам ўзбекчани аяши билар, амалда тилимиз турли миллат ва элатлар ўртасидаги ўзаро алоқа воситасига айланган бўлган эди.

Ўзбекистоннинг ўша пайтдаги раҳбарлигига давлат тилини жорий этиш борасидаги хатти-ҳаракатлар мут-

лақо ёқмади. Чунки империячилик, мустамлакачилик истибдодига тамоман бўйсунмиш уларнинг қон-қонига сингиб кетган эди.

Шунинг учун расмий матбуот, радио ва телевидение орқали Ўзбекистонда ўзбек тилига давлат тили мақоми бериб бўлмастлиги ҳақида тарбиёт-ташвиқот ишлари кучайтириб юборилди. Бир тоифа "давлатпараст" зиёлилар уялмай-нетмай "рус тилисиз бизга ҳеч қандай тараққиёт учун йўл йўқ"лигини пеш қилиб чиқа бошлади. Ҳатто, бир олим айнан рус тилини билгани учун академик бўлгани, аксис эса рус тилини билмагани учун қишлоқда ҳамон оддий ўқитувчилик қилиб юрганини айтишдан ҳам асло хижолат чекмади. Аммо ундан қишлоқда оддий ўқитувчи бўлиб юришини нимаси ёмонлигини сўрайдиган одам топилмади.

Ана шундай бир паллада, аниқроғи 1989 йилнинг 23 июни кун Ислам Абдуғаниевич Каримов республикага раҳбар бўлиб келди. У тил сиёсатида масалани аниқ ва лўнда қилиб ўртага қўйди: модомики, ўзбек халқи республикага ном берган экан, модомики, ўзбек халқи аҳолининг 80 фоизга қинни-хам ўзбекчани аяши билар, амалда тилимиз турли миллат ва элатлар ўртасидаги ўзаро алоқа воситасига айланган бўлган эди.

Ўзбекистоннинг ўша пайтдаги раҳбарлигига давлат тилини жорий этиш борасидаги хатти-ҳаракатлар мут-

лақо ёқмади. Чунки империячилик, мустамлакачилик истибдодига тамоман бўйсунмиш уларнинг қон-қонига сингиб кетган эди.

Шунинг учун расмий матбуот, радио ва телевидение орқали Ўзбекистонда ўзбек тилига давлат тили мақоми бериб бўлмастлиги ҳақида тарбиёт-ташвиқот ишлари кучайтириб юборилди. Бир тоифа "давлатпараст" зиёлилар уялмай-нетмай "рус тилисиз бизга ҳеч қандай тараққиёт учун йўл йўқ"лигини пеш қилиб чиқа бошлади. Ҳатто, бир олим айнан рус тилини билгани учун академик бўлгани, аксис эса рус тилини билмагани учун қишлоқда ҳамон оддий ўқитувчилик қилиб юрганини айтишдан ҳам асло хижолат чекмади. Аммо ундан қишлоқда оддий ўқитувчи бўлиб юришини нимаси ёмонлигини сўрайдиган одам топилмади.

Ана шундай бир паллада, аниқроғи 1989 йилнинг 23 июни кун Ислам Абдуғаниевич Каримов республикага раҳбар бўлиб келди. У тил сиёсатида масалани аниқ ва лўнда қилиб ўртага қўйди: модомики, ўзбек халқи республикага ном берган экан, модомики, ўзбек халқи аҳолининг 80 фоизга қинни-хам ўзбекчани аяши билар, амалда тилимиз турли миллат ва элатлар ўртасидаги ўзаро алоқа воситасига айланган бўлган эди.

Ўзбекистоннинг ўша пайтдаги раҳбарлигига давлат тилини жорий этиш борасидаги хатти-ҳаракатлар мут-

лақо ёқмади. Чунки империячилик, мустамлакачилик истибдодига тамоман бўйсунмиш уларнинг қон-қонига сингиб кетган эди.

Шунинг учун расмий матбуот, радио ва телевидение орқали Ўзбекистонда ўзбек тилига давлат тили мақоми бериб бўлмастлиги ҳақида тарбиёт-ташвиқот ишлари кучайтириб юборилди. Бир тоифа "давлатпараст" зиёлилар уялмай-нетмай "рус тилисиз бизга ҳеч қандай тараққиёт учун йўл йўқ"лигини пеш қилиб чиқа бошлади. Ҳатто, бир олим айнан рус тилини билгани учун академик бўлгани, аксис эса рус тилини билмагани учун қишлоқда ҳамон оддий ўқитувчилик қилиб юрганини айтишдан ҳам асло хижолат чекмади. Аммо ундан қишлоқда оддий ўқитувчи бўлиб юришини нимаси ёмонлигини сўрайдиган одам топилмади.

Ана шундай бир паллада, аниқроғи 1989 йилнинг 23 июни кун Ислам Абдуғаниевич Каримов республикага раҳбар бўлиб келди. У тил сиёсатида масалани аниқ ва лўнда қилиб ўртага қўйди: модомики, ўзбек халқи республикага ном берган экан, модомики, ўзбек халқи аҳолининг 80 фоизга қинни-хам ўзбекчани аяши билар, амалда тилимиз турли миллат ва элатлар ўртасидаги ўзаро алоқа воситасига айланган бўлган эди.

Ўзбекистоннинг ўша пайтдаги раҳбарлигига давлат тилини жорий этиш борасидаги хатти-ҳаракатлар мут-

лақо ёқмади. Чунки империячилик, мустамлакачилик истибдодига тамоман бўйсунмиш уларнинг қон-қонига сингиб кетган эди.

Шунинг учун расмий матбуот, радио ва телевидение орқали Ўзбекистонда ўзбек тилига давлат тили мақоми бериб бўлмастлиги ҳақида тарбиёт-ташвиқот ишлари кучайтириб юборилди. Бир тоифа "давлатпараст" зиёлилар уялмай-нетмай "рус тилисиз бизга ҳеч қандай тараққиёт учун йўл йўқ"лигини пеш қилиб чиқа бошлади. Ҳатто, бир олим айнан рус тилини билгани учун академик бўлгани, аксис эса рус тилини билмагани учун қишлоқда ҳамон оддий ўқитувчилик қилиб юрганини айтишдан ҳам асло хижолат чекмади. Аммо ундан қишлоқда оддий ўқитувчи бўлиб юришини нимаси ёмонлигини сўрайдиган одам топилмади.

Ана шундай бир паллада, аниқроғи 1989 йилнинг 23 июни кун Ислам Абдуғаниевич Каримов республикага раҳбар бўлиб келди. У тил сиёсатида масалани аниқ ва лўнда қилиб ўртага қўйди: модомики, ўзбек халқи республикага ном берган экан, модомики, ўзбек халқи аҳолининг 80 фоизга қинни-хам ўзбекчани аяши билар, амалда тилимиз турли миллат ва элатлар ўртасидаги ўзаро алоқа воситасига айланган бўлган эди.

Ўзбекистоннинг ўша пайтдаги раҳбарлигига давлат тилини жорий этиш борасидаги хатти-ҳаракатлар мут-

лақо ёқмади. Чунки империячилик, мустамлакачилик истибдодига тамоман бўйсунмиш уларнинг қон-қонига сингиб кетган эди.

Шунинг учун расмий матбуот, радио ва телевидение орқали Ўзбекистонда ўзбек тилига давлат тили мақоми бериб бўлмастлиги ҳақида тарбиёт-ташвиқот ишлари кучайтириб юборилди. Бир тоифа "давлатпараст" зиёлилар уялмай-нетмай "рус тилисиз бизга ҳеч қандай тараққиёт учун йўл йўқ"лигини пеш қилиб чиқа бошлади. Ҳатто, бир олим айнан рус тилини билгани учун академик бўлгани, аксис эса рус тилини билмагани учун қишлоқда ҳамон оддий ўқитувчилик қилиб юрганини айтишдан ҳам асло хижолат чекмади. Аммо ундан қишлоқда оддий ўқитувчи бўлиб юришини нимаси ёмонлигини сўрайдиган одам топилмади.

Ана шундай бир паллада, аниқроғи 1989 йилнинг 23 июни кун Ислам Абдуғаниевич Каримов республикага раҳбар бўлиб келди. У тил сиёсатида масалани аниқ ва лўнда қилиб ўртага қўйди: модомики, ўзбек халқи республикага ном берган экан, модомики, ўзбек халқи аҳолининг 80 фоизга қинни-хам ўзбекчани аяши билар, амалда тилимиз турли миллат ва элатлар ўртасидаги ўзаро алоқа воситасига айланган бўлган эди.

Ўзбекистоннинг ўша пайтдаги раҳбарлигига давлат тилини жорий этиш борасидаги хатти-ҳаракатлар мут-

лақо ёқмади. Чунки империячилик, мустамлакачилик истибдодига тамоман бўйсунмиш уларнинг қон-қонига сингиб кетган эди.

Шунинг учун расмий матбуот, радио ва телевидение орқали Ўзбекистонда ўзбек тилига давлат тили мақоми бериб бўлмастлиги ҳақида тарбиёт-ташвиқот ишлари кучайтириб юборилди. Бир тоифа "давлатпараст" зиёлилар уялмай-нетмай "рус тилисиз бизга ҳеч қандай тараққиёт учун йўл йўқ"лигини пеш қилиб чиқа бошлади. Ҳатто, бир олим айнан рус тилини билгани учун академик бўлгани, аксис эса рус тилини билмагани учун қишлоқда ҳамон оддий ўқитувчилик қилиб юрганини айтишдан ҳам асло хижолат чекмади. Аммо ундан қишлоқда оддий ўқитувчи бўлиб юришини нимаси ёмонлигини сўрайдиган одам топилмади.

Ана шундай бир паллада, аниқроғи 1989 йилнинг 23 июни кун Ислам Абдуғаниевич Каримов республикага раҳбар бўлиб келди. У тил сиёсатида масалани аниқ ва лўнда қилиб ўртага қўйди: модомики, ўзбек халқи республикага ном берган экан, модомики, ўзбек халқи аҳолининг 80 фоизга қинни-хам ўзбекчани аяши билар, амалда тилимиз турли миллат ва элатлар ўртасидаги ўзаро алоқа воситасига айланган бўлган эди.

Ўзбекистоннинг ўша пайтдаги раҳбарлигига давлат тилини жорий этиш борасидаги хатти-ҳаракатлар мут-

лақо ёқмади. Чунки империячилик, мустамлакачилик истибдодига тамоман бўйсунмиш уларнинг қон-қонига сингиб кетган эди.

Шунинг учун расмий матбуот, радио ва телевидение орқали Ўзбекистонда ўзбек тилига давлат тили мақоми бериб бўлмастлиги ҳақида тарбиёт-ташвиқот ишлари кучайтириб юборилди. Бир тоифа "давлатпараст" зиёлилар уялмай-нетмай "рус тилисиз бизга ҳеч қандай тараққиёт учун йўл йўқ"лигини пеш қилиб чиқа бошлади. Ҳатто, бир олим айнан рус тилини билгани учун академик бўлгани, аксис эса рус тилини билмагани учун қишлоқда ҳамон оддий ўқитувчилик қилиб юрганини айтишдан ҳам асло хижолат чекмади. Аммо ундан қишлоқда оддий ўқитувчи бўлиб юришини нимаси ёмонлигини сўрайдиган одам топилмади.

Ана шундай бир паллада, аниқроғи 1989 йилнинг 23 июни кун Ислам Абдуғаниевич Каримов республикага раҳбар бўлиб келди. У тил сиёсатида масалани аниқ ва лўнда қилиб ўртага қўйди: модомики, ўзбек халқи республикага ном берган экан, модомики, ўзбек халқи аҳолининг 80 фоизга қинни-хам ўзбекчани аяши билар, амалда тилимиз турли миллат ва элатлар ўртасидаги ўзаро алоқа воситасига айланган бўлган эди.

Ўзбекистоннинг ўша пайтдаги раҳбарлигига давлат тилини жорий этиш борасидаги хатти-ҳаракатлар мут-

лақо ёқмади. Чунки империячилик, мустамлакачилик истибдодига тамоман бўйсунмиш уларнинг қон-қонига сингиб кетган эди.

Шунинг учун расмий матбуот, радио ва телевидение орқали Ўзбекистонда ўзбек тилига давлат тили мақоми бериб бўлмастлиги ҳақида тарбиёт-ташвиқот ишлари кучайтириб юборилди. Бир тоифа "давлатпараст" зиёлилар уялмай-нетмай "рус тилисиз бизга ҳеч қандай тараққиёт учун йўл йўқ"лигини пеш қилиб чиқа бошлади. Ҳатто, бир олим айнан рус тилини билгани учун академик бўлгани, аксис эса рус тилини билмагани учун қишлоқда ҳамон оддий ўқитувчилик қилиб юрганини айтишдан ҳам асло хижолат чекмади. Аммо ундан қишлоқда оддий ўқитувчи бўлиб юришини нимаси ёмонлигини сўрайдиган одам топилмади.

Ана шундай бир паллада, аниқроғи 1989 йилнинг 23 июни кун Ислам Абдуғаниевич Каримов республикага раҳбар бўлиб келди. У тил сиёсатида масалани аниқ ва лўнда қилиб ўртага қўйди: модомики, ўзбек халқи республикага ном берган экан, модомики, ўзбек халқи аҳолининг 80 фоизга қинни-хам ўзбекчани аяши билар, амалда тилимиз турли миллат ва элатлар ўртасидаги ўзаро алоқа воситасига айланган бўлган эди.

Ўзбекистоннинг ўша пайтдаги раҳбарлигига давлат тилини жорий этиш борасидаги хатти-ҳаракатлар мут-

(Давоми 3-бетда).

ПАХТА - 2012



КАТТА МЕҲНАТНИНГ САЛМОҚЛИ НАТИЖАСИ



Кундалик теримда аввало, беистисно, барча фермер хўжаликлари аъзолари бошқаларга намуна бўдилар. Улар ҳар кун бутун оила аъзолари билан теримга чиқиб, хирмонга барака, сурьатга қанот бағишладилар. Меҳнатга яроқли маҳаллий аҳоли уй-рўзгор ишларидан ҳоли пайтларда уларга эргашиб, теримда кўнгилли равишда фаол қатнашмоқда. Туманлар раҳбарияти эса уларни ҳам моддий, ҳам маънавий рағбатлантириш учун амалий чоралар кўрмоқда. Хусусан, теримчиларга бешкунликлар яқини бўйича бевосита даладан ўзида ҳақ тўла бериляпти. Туман маданият бўлими вакилларида иборат санъаткорлар кечкурналари теримчилар учун махсус концерт дастурларини намойиш этишяпти. Хулоса қилиб айтганда, бор

куч ва имкониятлар далада етиштирилган ҳар қачонгидан ҳам мўл ҳосилни ёгин-сочинли кунларга қолдирмай, тезроқ саранжомлаб олишга қаратилмоқда. Энг катта қарвон эгаси – Бекобод туманининг вилоятимиз умумий пахта хирмонига қўшган ҳиссаси салмоқли бўлди. Туман фермерлари қабул пунктларига 38 минг 200 тоннадан зиёд сифатли хом ашё etkazиб бердилар. Ушбу ҳосилни пешма-пеш ташиш учун муқобил машина-трактор парклари ва фермер хўжаликлари балансидаги 242 та, пахта тозалаш корхонасининг 20 та, шунингдек, 32 та хусусий, жами 296 та транспорт трактори ва 335 та тиркама жалб этилди. Тумандаги "Эликўзи ота" фермер хўжалиги эришган муваффақият алоҳида таъкидлашга арзийди. Хўжалик

аъзолари 154,3 гектар майдонда мўл ҳосил етиштириб, шартномада белгиланган 450 тонна ўрнига 730 тоннадан зиёд юқори нав хом ашё йиғиштириб олди. Ҳосилдорлик 47 центнердан ошди. Шунингдек, "Бекобод кўргони", "Маҳкамбой ҳожи", "Мирза Тошмурод" каби фермер хўжаликлари шартномани 120-130 фоиздан ошириб бажарди. Бу йил ҳам шундай бўлди. Қабул пунктларига бир неча кун давомида йиллик режанинг 4 фоизи микро-ридан ошириб пахта топширилди. Шартнома мажбуриятини қисқа муддатда ортиги билан бажарган учала туманда пахта терими ушқоқлик билан давом эттирилмоқда. Мақсад – шу ёгин-сочинсиз кунларни ганимат билиб, далалардаги бор ҳосилни охиригача тезроқ саранжомлаб, келгуси йил ҳосили учун кузга галлани ҳам қулай фурсатларда экиб, қалин қўчат олишга эришиш.

Абдусамат Йўлдошев, "Тошкент ҳақиқати" мухбири.

СУРАТЛАРДА: (юқорида) Юқори Чирчиқ туманидаги «Мадинабону Иброҳим» фермер хўжалиги раҳбари Аҳсам Солиҳов; Пискент пахта тозалаш заводи лаборантлари (чапдан) Дилсора Турғунова, Фотима Мирзаҳаимова. Собир ЗУФАРОВ олган суратлар.

ГЎЗАЛ ВА НАҒИС ЛИБОСЛАР

Янги кийим харид қилар эканми, кўпинча уни ишлаб чиқариш учун қанча куч ва меҳнат сарфлангани ҳақида ўйлаб қоламиз. Чирчиқдаги "Eurotex-Tashkent" тикувчилик фабрикасида ишлаб чиқарилаётган кийимлар рангининг ёрқинлиги, иссиқ иқлим шароитимизга мослиги, қулайлиги, хушбичимлиги, енгиллиги билан эътиборни тортади. Фабриканинг ишлаб чиқариш участкаларида бўлган қирқинчида "енгил саноят" атамаси бу ерда амалга оширилаётган жараёнларга унчалик мос эмасдек туюлди. Негаки, бу ерда меҳнат қилиш учун сабр-тоқат, моҳирлик ва ишга бор куч-ғайратни сафарбар қилиш талаб этилади. Матоларни турли бичим ва ҳажмда тикшиш учун мўлжалланган юзлаб замонавий машиналар ўрнатилган катта цехларга кирган киши бунга ишонч ҳосил қилади. Ушбу мураккаб дастгоҳларни ёш йигит-қизларимиз моҳирона бошқармоқда. Улар ўз ишини пухта эгаллагани бос бирпасда барча стандартлар бўйича ўралган буюмлар тайёр бўлаётир. "Eurotex-Tashkent" компаниясининг ишлаб чиқариш бўйича директори Бахтиёр Убайдуллаев корхонада меҳнат қилаётган мутахассислар маҳоратини профессионал жонглерларники билан тақ-

аксарияти ўқиб юрган пайтларидек бу ерга амалиёт ўташ учун келган ва ўқини тамомлаган, уч томонлама шартнома асосида ишга қабул қилинган. – Шу йил ёзда иш бошладим, – дейди кийимларни ўраш бўлими ишчиси Шаҳноза Жонибекова. – Юқори Чирчиқ қурилиш ва сервис касб-хўнар коллежидан "Кенг турдаги кийимларни моделлаштириш ва лойihalаштириш" йўналиши бўйича таълим олаётган пайтимида корхонага ишлаб чиқариш амалиётини ўташ учун келганман. Менга бу ерда ҳамма нарса таниш, курсдошларим ҳам ёнимда. Шунинг учун ҳам баъзида иш вақти қандай ўтганини сезмай қоламиз. Дарҳақиқат, корхонада меҳ-

унмдорлигини оширишга ҳизмат қилмоқда. Кейинги вақтда Маҳаллийлаштириш дастури доирасида ишлаб чиқариш мураккаб бўлган ва камиди ўттизта тикувчилик операциясини талаб қилаётган 70 дан ортиқ янги маҳсулотларни тайёрлаш ўзлаштирилди. Олдинда режалар, қилинадиган ишлар кўп. Чунки "Eurotex-Tashkent" корхонаси мамлакатимизда ҳар йили ўтказиб келинаётган Халқаро Ўзбекистон пахта ва тўқимачилик ярмаркасида иштирок этишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган. Корхона ишчилари ҳам, раҳбарияти ҳам қўтиллаётган катта ҳажмдаги буюртмаларни бажаришга тайёр. Негаки, бу ерда 750 замонавий ускуна мавжуд. Бундан ташқари,

лаб чиқариш имконини берадиган замонавий ускуналарни сотиб олди. Бунинг натижасида қўшимча 45 иш ўрни ташкил қилинди. "Uztex-Chirchiq" корхонаси директорининг ўринбосари Фазлиддин Сирожиқдониновнинг айтишича, ип ва полотно сифатли реактив ранглардан фойдаланган ҳолда бўялмоқда. Улар бўёқнинг турли ташки таъбирларга чидамлигини таъминлайди. Корхона мутахассислари 150 турдан ортиқ нобел рангларини ишлаб чиқди. Матоларни бўяш жараёни тўлиқ автоматлаштирилган бўлиб, бу жараёнда одам дегарли иштирок этмайди. Шу тарихи маҳсулот яроқли бўлишининг олди олинмоқда ва рангли полотно сифати ошмоқда. Ушбу мураккаб конструкцияни махсус ўқиб келган ёш ишчилар бошқармоқда. Улар зуммаларига оқитилган вазифани муваффақиятли бажармоқда. Шу босис ҳам рангбаранг газламалар кўзни қувонтирмоқда. Корхонада 100 нафардан ортиқ киши меҳнат қилмоқда, уларнинг катта қисми касб-хўнар коллежлари битирувчиларидир. Реактивлар ва рангларни тайёрлаш участкаси ишчиси Азиз Кабиров "Uztex-Chirchiq" корхонасида шу йил июлда ишга кирган. Чирчиқ санъат-иктисодий касб-хўнар коллежидан "Ундайдиган автоматик приборларни назорат қилиш" йўналиши бўйича ўқиган Азиз яхши назарий билимга эга ва бу унга иш фаолиятида катта ёрдам бермоқда. У келажакда ўз малакаси ва маҳоратини янада оширишни режалаштирмоқда. Бунинг учун эса корхонада барча имконияти мавжуд. Негаки, "Uztex-Chirchiq"нинг юқори технологияли машиналар парк мунтазам тақомиллаштирилиб, янгиланмоқда. Корхонада матога кераклик беришни таъминлайдиган реактивлар ва рангларни тайёрлаш участкаси фаолият кўрсатмоқда. Бу ерда турли рангдаги суюқликлар солинган ўнлаб идишлар бўяш машиналарига ўланган. Рангларни тайёрлаш ва etkazиб бериш тўлиқ автоматлаштирилган ҳамда бу жараён марказий сервер томонидан назорат қилинади. Рангларни тайёрлаш услуби Американинг "Datacolor" фирмасининг замонавий лаборатория ускунасида фойдаланган ҳолда ишлаб чиқилмоқда. Интеллектуал назорат технологияси рангларни тайёрлаш услуби бўйича ахборотни сақлаш, бу эса кейинги буюртмаларга ранглар барқарорлигини сақлаш ҳамда уларни солиштириш имконини беради. Бўяш-пардозлаш цехида аэродинамик бўяш қувватига эга ич кийим учун мўлжалланган, силлиқ бўлган ёки гул босилган матоларга айланмоқда. Шу босис корхонада матоларга пардоз бериш технологияси ипни бўяш, бўяш-пардозлаш ва тўқиб қаби бир қанча асосий технологик жараёнларни ўз ичига олади. "Uztex-Chirchiq"нинг тўқувчилик ишлаб чиқариш йил-таҳтимидада жойлашган. У йилга 6 минг метр сурп ишлаб чиқариш қувватига эга. Бу ерда жаҳондаги етакчи компанияларда ишлаб чиқарилган технология ускуналар ўрнатилган. Ишлаб чиқариш майдонининг катта қисмини бўяш-пардозлаш участкаси эгаллайди. Бу ерда сурпга ишлов бериш учун мўлжалланган катта ускуналар ўрнатилган. Бўяш машиналари худди улкан цистерналарга ўхшайди. Турли русумдаги ўшма машиналар бир пайтнинг ўзида 25-1200 килограмм матони бўяш қувватига эга. Яқинда корхонада ипни бўяш имконияти ҳам пайдо бўлди. Бунга ипни ўраш бўйича янги цехнинг очилиши тўғрисида эришилди. 2012 йилги инвестиция дастурига мувофиқ корхона хориздан тўқилган тайёр маҳсулот иш-



хом ашё масаласида ҳам муаммо йўқ. Чунки хом ашёни "Eurotex-Tashkent" билан битта ҳудудда жойлашган "Uztex-Chirchiq" корхонаси etkazиб беради.

ЁЗДАГИ РАНГЛАР ЖИЛОСИ ЙИЛ БЎЙИ ДИЛЛАРИНИ ШОД ЭТАДИ

"Uztex-Chirchiq" фабрикасида ишлаб чиқарилаётган ипдан тайёрланган маҳсулот ва аралаш полотнони компания омирларидан доим топиш мумкин. Бу ерда 50 турдан ортиқ шундай маҳсулот ишлаб чиқарилмоқда.



нат унмдорлиги юқори ва ишчилар ўртасидаги муносабат ҳам самимийдир. Улар бир-бирининг руҳини кўтариб, ахиллиқда меҳнат қилмоқда. Ишчилар "Uztex" ёрлиги босилган маҳсулотлар юқори сифати ва қулайлиги билан ажралиб туриши, истеъмолчилар уларни мамнуният билан харид қилиши ҳамда муносиб баҳолашни зарурлигини дилдан ҳис этган ҳолда ишга катта масъулият билан ёндашмоқда.

Ишчиларни рағбатлантириш, уларнинг ишда ўзини кўрсатишида "Eurotex-Tashkent" корхонаси юртимизнинг ижтимоий сибасат муҳим ўрнини тўқмоқда. Ушбу сибасат ишчи кучи сифатини яхшилаш ва унинг самарали ишлаши учун зарур шарт-шароитлар яратиш механизмининг таркибий қисми ҳисобланади. Шу сабабли ҳар ойда намунали меҳнат қилган ишчиларга мукофотлар беришмоқда, Самарқанд сингари тарихий шаҳарларга саяхатлар уюштирилмоқда, турли имтиёзлар тақдим этилмоқда. Бундан ташқари, ишчилар бепул махсус иш кийимини, иссиқ оқват билан таъминланмоқда, уларга тиббий хизматлар кўрсатишмоқда. Корхона ҳодимларининг фикрича, ҳаётда нафақат моддий, балки маънавий рағбат ҳам муҳим аҳамиятга эга, яъни одам қўлаётган меҳнатидан рози ва мамнун бўлиши лозим. Бундай чора-тадбирлар иш-

қослади. Ишчилар маҳорати ва энг янги технологиялар шарофати билан корхона бир йилда олти миллиондан ортиқ буюм ишлаб чиқаришга эришди.

"Eurotex-Tashkent" корхонасининг ишлаб чиқариш майдонларида иш 2005 йилда бошланган. Бу ерда фаолият кўрсатаётган тажриба цехида кийимларнинг дастлабки намуналари яратилса, конструкторлик бюросида моделерлар уларнинг янги дизайни ва шакллари ишлаб чиқмоқда, буюмларни бичиш ва тикшиш, уларга турли нақшлар босиш, беаз бериш, тозалаш, даз-моллаш, белги қўйиш, ўраш ва саралаш участкалари ишлаб турибди. Уларнинг барчаси энг сўнгги авлод техникалари билан жиҳозланган.

Корхонада физика-кимё лабораторияси ҳам ишлаб турибди. Унда либос тайёрлаш учун ишлатиладиган даярлик барча материаллар, ярим тайёр буюмлар ва тайёр тикувчилик буюмлари мавжуд камчиликларни аниқлаш мақсадида ҳар томонлама назоратдан ўтказилади. Ишлаб чиқаришнинг барча босқичида махсулот сифати назорат қилиб борилади. Тайёр маҳсулотларга энг сўнгги сифат назорати белгиси уларни ўрашдан аввал қўйилади. Айниқса, трансферт нақшлар босиладиган участкалар фаолияти кишини ҳайратга солади. Санокли дақиқалар ичида буюмларда ажойиб ва кувноқ мультфильмлар қаҳармонлари, порлаб турган қуёш, ранг-баранг гуллар пайдо бўлади. Кўз олдинда ёз мавсуми жилваланади. Ушбу ишларни бажаришда 450 нафардан ортиқ киши меҳнат қилади. Корхона жамоаси асосан ёш йигит-қизлардан таскиб топан бўлиб, уларнинг қўлигани касб-хўнар коллежлари битирувчиларидир. Уларнинг (Давоми. Боши 1-бетда).

Мамлакатимизда Божхона ҳақидаги кунун ҳужжатларининг бузилиши ҳолатларини аниқлаш ва уларга чек қўйиш мақсадида соҳа ҳодимлари томонидан Ўзбекистон Республикаси божхона чегараси орқали ҳаракатланаятган товарлар ва транспорт воситаларини, шу жумладан халқаро почта орқали юборилаётган почта жўнатмаларини самарали божхона назоратидан ўтказишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

НОҚОНУНИЙ ИШ КЕЛТИРАР ТАШВИШ

Амалдаги тартибларга мувофиқ, республикамизда резидентларга 2000 АҚШ доллари эквивалентдаги нақд хоржий валюталарни божхона баённомасида ёзма қайд этиш шарт билан эркин олиб чиқиб кетишларига рўхсат этилади. Бундан ортиқ микдордаги нақд валюталарни олиб чиқиш учун эса ваколатли банклар ёки Марказий банкнинг ўрнатилган тартибдаги рўхсатномаси талаб этилади. Нормативларга эса Ўзбекистонга кириб келаятганда Узи билан олиб келган ҳамда божхонага тақдим этилган "Т-6" шаклидаги божхона баённомасида қайд этилган микдордаги хоржий валютани олиб чиқишларига рўхсат этилади. Туруч қурмасиз бўлмагани каби амалдаги тартибларни қўпол равишда буюиб, нақд хоржий валюталарни ноқонуний равишда олиб чиқишга уриниш ҳолатлари ҳам учраб турибди. Тошкент шаҳар божхона бошқармасининг "Келес" темир йўл божхона пости ҳодимлари томонидан шу турдаги бир нечта қонунбузарлик ҳолатларининг олди олинди. Жумладан, "Тошкент-Уфа" йўналишидаги поезд йўловчиси, қўшни давлат фуқароси А. Б. сумкасидаги 2500 АҚШ доллари ҳақида божхона баённомасида ва божхона ҳодимининг оғзаки сўрови пайтида маълум қилишни гўёки унутиб қўйибди. Божхоначиларнинг шубҳаланиши натижасида амалдаги тартибларга мувофиқ ҳолислар иштирокида шахсий кўриқдан ўтказилган худди шу поездининг яна бир йўловчиси, қўшни давлат фуқароси Р. А. эса ички кийимидега "пайдо" бўлиб қолган 7 минг 900 АҚШ долларини қўриб, "хайрон" қолди. "Тошкент – Москва" йўловчи поездининг вагон кузатувчиси, фуқаро У. Е. га тегишли сумкада эса божхона баённомасида ва оғзаки сўров пайтида маълум қилинмаган салкам 3 минг евро, 25,5 минг Россия рубли ва 890 АҚШ

МАТБУОТ АНЖУМАНИ

«ЎЗАРХИВ»: КЕЧА, БУГУН, ЭРТАГА

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида "Ўзархив" агентлиги фаолиятида очилдик ва архив ишини юритишнинг истикболдаги вазифалари мавзусида бўлиб ўтган матбуот анжуманида интернетдаги www.ogchive.uz сайти орқали Ўзбекистонда архив ишини юритиш тарихи, амалга оширилаётган янгилликлар, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архиви тўғрисидаги маълумотлар билан танишиш имконини ҳақида гапирилди. Иштирокчиларга Давлат архиви идораларида корхона, ташкилот ва муассасалар ҳақидаги, шунингдек, иш стажи, иш ҳақи ва бошқа зарур маълумотларни электрон шаклда олиш бўйича "Интерактив хизматлар" ташкил этилганлиги ҳақида ахборот берилди. Шу кунларда архив маълумотларини бериш бўйича интеграциялашган ахборот тизимини яратиш режалаштирилмоқда. Бунинг аҳамияти шундаки, бу тизим архив ҳақидаги ҳар қандай маълумотларни сохталаштиришнинг олдини олади ҳамда берилган маълумотларни тез текшириш ва хулоса чиқариш имконини беради. Матбуот анжумани иштирокчилари "Ўзархив" агентлиги ва унинг фаолияти билан боғлиқ саволларга жавоб олишди. Юлдахон МУҲИДИНОВА, "Тошкент ҳақиқати" мухбири.

«ТАЛАБА – 2012» ХАЛҚАРО ТАЪЛИМ КЎРГАЗМАСИ

Пойтахтимизда "Талаба – 2012" халқаро таълим кўргазмаси бўлиб ўтди. Тадбир мамлакатимизнинг "НеоКонталс" таълим компанияси томонидан Европа Иттифоқининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси ҳамкорлигида ташкил этилди. Унда Ўзбекистон ва Европа Иттифоқи мамлакатларининг олий таълим муассасалари, тегишли идоралари, мамлакатимизда аккредитациядан ўтган дипломатик корпус вакиллари, талабалар иштирок этди. Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида таълим соҳасини ислоҳ қилиш бўйича амалга оширилаётган дастурлар узининг юксак самараларини бермоқда. Давлатимиз раҳбарии ташаббуси билан қабул қилинган "Таълим тўғрисида" ги қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастури баркамол, мустақил фикрловчи шахсни тарбиялаш, етук мутахассислар тайёрлашда муҳим дастуриламал бўлаётир. Мазкур ҳужжатлар мамлакатимиз иқтисодиёти ва ҳаётининг барча соҳалари учун юқори малакали, рақобатбардор кадрлар тайёрлаш, таълим, илм-фан ва ишлаб чиқаришнинг самарали интеграциялашувини таъминлаш, ёшларни миллий ва умуминсо-

рини чуқур ўрганиш, замон талаблари даражасида таълим олиш имкониятига эга. "Талаба – 2012" халқаро таълим кўргазмаси бу борадаги имкониятларни янада кенгроқ ишга солиш мақсадида ташкил этилди. Кўргазма иштирокчилари мамлакатимиз ва жаҳон таълим тизимида амалга оширилаётган ислохотлар, янгилликлар билан танишдилар. Кўргазмада Европа Иттифоқининг Ўзбекистондаги "Темпус" дастури, "Эразмус Мундус" ва "Мэри Кюри" каби грант ва алмашинув таълим дастурлари, Британия Кенгаш ва Германия академик алмашинув хизматларининг Ўзбекистондаги ваколатхоналари, АҚШ, Буюк Британия, Швейцария, Кипр ва Малайзия каби давлатлардан халқаро университетлар вакиллари иштирок этди. Ўзбекистон таълим тизимида амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар юксак самаралар бераётир, – деди Европа Иттифоқи элчиси, Европа Иттифоқининг мамлакатимизда-

ги делегацияси раҳбари Норбер Жустен. – Ўзбекистонда таълим инфратузилмасини тақомиллаштириш ва ўқитувчилар малакасини ошириш борасидаги ишлар ҳам таҳсинга сазовор. Ўзбекистонлик талабалар билан бевосита мулоқот жараёнида мамлакатимиз ёшларининг интеллектуал салоҳияти юқори эканига кўл бориш ҳосил қилганми. Европа Иттифоқи Ўзбекистон билан таълим соҳасида узоқ йиллардан буюн самарали ҳамкорлик қилиб келмоқда, қўлаиб лойиҳаларни амалга оширди. Бу борадаги ишлар кўламини янада кенгайтириш муҳим аҳамият касб этади. – Ўзбекистон билан Германия ўртасида таълим йўналишидаги ҳамкорлик изчил ривожланиб бораётгани жуда қувонarliдир, – деди Германия академик алмашинув хизматининг мамлакатимиздаги ваколатхонаси раҳбари Герт Рюдигер Вегмарсхаус. – Бу борада мамлакатларимиз университетлари ўртасида ўзаро таъриб ва ахборот алмашинуви яхши йўлга қўйилган. Кадрлар

тайёрлаш ва мутахассислар малакасини ошириш борасида ҳам фаол ва самарали ҳамкорлик қилинмоқда. Ўзбекистонда таълим соҳаси ҳавас қилса арзиғуллик даражада тараққий этганига гувоҳ бўлдим. Мамлакатимизнинг катор университетларида бўлдим. Таълим оlish учун яратилган шартот ва имкониятлар мендан унутилмас тасассурот қолдирди. Шуни алоҳида таъкидлашни истардимки, Ўзбекистон ёшларининг изланувчан ва қизиқувчанлиги, билимга чанқоқ экани мени ҳайратлантирди. Мазкур кўргазмада Ўзбекистон ёшларини Германия таълим тизимида яратилган имкониятлар, университетлар фаолияти ва уларда таҳсил олиш имтиёзлари билан таништирилди. "Талаба – 2012" халқаро таълим кўргазмаси хоризда таҳсил олиш ниятида бўлган талаба ёшларининг чет эллардаги олий таълим муассасалари фаолияти билан танишиши учун яхши имконият бўлди.

Ирода УМАРОВА, Ўза мухбири.

ҲАҚИҚАТИ

Тонг палласида қабристон кўздан кечириб чиққан Аҳмад гўрковнинг юраги увишди. Оқ оралаган мўйловини оҳиста силаб, ух тортиди.

Во ажаб, бу қандай кўрилик бўлди? Шунча қабри сел ювиб, дарёга оқибди-я! Тавба...

У тушун кайфиятда масжид томон юрди. Намоздан кайтаётган оқсоқолларга қабристондаги аҳолини айтиди.

Иўғ-е, астафируллоҳ, Яхши бўлмади, — бош чайқайди Омилхон эшон.

Яқинда зиёрат қилганим, — гапга қўшилди Мирюнус домла. — Унинг дарё ва сойга яқин ерлари ўпирилиб, жарликка айланганини кўриб, тасбим хира бўлганди.

Пешин намозидан кейин чақирилган одамлар чойхонага тўланишди. Омилхон эшон босиқлик билан гап бошлади:

Азизлар, бу бизларга Аллох юборган бир синов, шунисигаам шир. Бундан тушунликка тушмаслигимиз керак. Дарё ва сой томонларини ҳашар қилиб, таъмирлашмасак бўлмайди. Бунинг учун маблағ керак. Кеча новсототганим. Оилам билан келишиб, пулни қабристон

Бердиёр тадбиркор ўрнидан турди. Мирюнус домлага олайганча чиқиб кетди. — Е тавба, одам деган ҳам шунчалик тез ўзгарадими?.. Ҳай, майли... — Мирюнус домла қолган гапни ичига ютди. У бир гал Омилхон эшон билан унинг уйига боргани

— Ҳай-ҳай, бу гапингни қайтариб ол, ука. Биз сенга тиланичи бўлдикми энди? Шу кўприкдан ҳаммаимиз бирдек фойдаланамиз.

— Ҳа, гапим ёқмадими? "Тўғри гал туққанингда ҳам ёқмайди" деб шунга айтишадидан!

Хотини тилини тиллашди. Индамай ошхонага йўналди. Бердиёр туни билан ухломмади. Тонгга яқин кўзи илгинди ва кўрчинчи туш кўрди. Яқинда олган "Ласетти"сида кетаётса, йўлини қора мушук кесиб ўтибди. Кўрқиб кетганидан рулни буриб юборибди. Машина жарликка қулаб, гўмбурлаган овоздан еру осмон ларзага келибди.

Бердиёр чўчиб уйғонди. Кўрганлари туш эканидан қувониб кетди. Лекин ўша кунни кўрган туши ўнгидан келди. Кибр ва бойлик кўзларини кўр қилган Бердиёрнинг кўнчилири қишлоқ қабристонига қўйибди. Ўша кеча шаррос қўйган жала ҳаммаёқни ювиб кетди.

Бердиёрнинг қабрини сел олганини кўрган Аҳмад гўрков ҳайратдан ёқа ушлади. "Қабристон ҳам баймалларга бағридан жой бермас экан-да!"

Латифхон МАНСУРОВ.

— Менга қара, сўтак. Бойман деб отангдай улуг одамга хурматсизлик қиласанми? Бироз пастроқ туш. Оёқни осмон эмас, ер кўтарайди. Билмасанг билиб қўй, кибр, бойлик ҳеч қачон одамзотга вафо қилмаган. Сенга ҳам қилмайди. Ма, садақанг ўзингга сийлов. Бирор кунингга пулни олиб, Бердиёрнинг қўлига тутқазди. Бойвачча кексалар орақсидан жавраб қоллаверди.

Мана бугун ҳам Бердиёр уйига тушкун кайфиятда

қайтди. Уни илиқ қарши олган хотини ҳам минг пушаймон бўлди. Ҳазаб отиға минган Бердиёр унга ҳам удагайлаб берди:

— Бу нима кийиниш, а? Ёшингга яраша иш қилмайсанми, пандавоки хотин... Бор, хайкалдек қотмай, чой-пийингни тайёрла!

Хотини тилини тиллашди. Индамай ошхонага йўналди. Бердиёр туни билан ухломмади. Тонгга яқин кўзи илгинди ва кўрчинчи туш кўрди. Яқинда олган "Ласетти"сида кетаётса, йўлини қора мушук кесиб ўтибди. Кўрқиб кетганидан рулни буриб юборибди. Машина жарликка қулаб, гўмбурлаган овоздан еру осмон ларзага келибди.

Бердиёр чўчиб уйғонди. Кўрганлари туш эканидан қувониб кетди. Лекин ўша кунни кўрган туши ўнгидан келди. Кибр ва бойлик кўзларини кўр қилган Бердиёрнинг кўнчилири қишлоқ қабристонига қўйибди. Ўша кеча шаррос қўйган жала ҳаммаёқни ювиб кетди.

Бердиёрнинг қабрини сел олганини кўрган Аҳмад гўрков ҳайратдан ёқа ушлади. "Қабристон ҳам баймалларга бағридан жой бермас экан-да!"

Латифхон МАНСУРОВ.

XXI Ва ДУНИЯ

ЯРАДОР ПРЕЗИДЕНТ ФРАНЦИЯДА ДАВОЛАНДИ

Мавританиянинг ўққа тутиш жараёнида ярадан президент Муҳаммад Абдил Азиз даволаниш учун илгари шу мамлакатни ўз мустамлакаси сифатида бошқарган Францияга келадиган бўлди.



AFP агентлиги президентга яқин манбага таяниб тарқатган хабариде айтиладики, Абдил Азиз Парижда муолажа курсидан ўтди. Унинг 14 октябр кунни ўзининг собиқ мустамлакачиси бўлган давлатга етиб келиши белгиланган эди.

Reuters тарқатган маълумотларга қараганда, Мавритания президенти қорнидан энгли жароҳат олган (аввалроқ оммавий ахборот воситалари қўлидан яраданган ҳақида хабар тарқатган эди). Мавритания поштахи Нуакшотанинг харбий госпиталида Абдил Азизни операция қилишган эди. Унинг ахволи барқарор дея баҳоланмоқда.

Расмий тахминга кўра, харбий патруль Муҳаммад Абдил Азизнинг машинасини янглишиб ўққа тутган. Бошида оммавий ахборот воситалари ушбу воқеага "Ал-Қоида" террорчилик тармоғининг маҳаллий бўлинимаси алоқадор бўлиши мумкин, деб ёзди. Абдил Азиз ушбу кўпурчиларга қарши кураш олиб бораётган эди.

Президент Муҳаммад Азиз ҳозир 55 ёшда. У ҳокимиятини 2008 йилда қўлга киритган. 2009 йилда эса, президент сайловларида ютиб чиқди.

ИШ БЕРУВЧИ СУДГА БЕРИЛДИ

Шу йил январь ойида ҳалокатга учраган "Коста-Конкордия" денгиз саёҳат кемаси капитани ўзининг собиқ иш берувчисини судга берди, деб ёздаи Британиянинг The Mail on Sunday нашри.



Собиқ капитан Франческо Скеттинонинг фикрича, уни ноҳақ ишдан бўшатишган. Капитаннинг адвокати таъкидладики, саёҳат компаниясига нисбатан давло кўзгалтирилганидан ажабланмаслик керак. Ишдан бўшатиш ҳақидаги қарор устидан шикоят қилишга ҳар қандай ёлланма ишчининг ҳақи бор. Жумладан, Италиянинг ҳамма фуқаролари қатори Скеттино ҳам шу қонуний ҳуқуқидан фойдаланмоқда.


Тергов капитани бир неча кишининг ўлимига

дан шикоят қилишга ҳар қандай ёлланма ишчининг ҳақи бор. Жумладан, Италиянинг ҳамма фуқаролари қатори Скеттино ҳам шу қонуний ҳуқуқидан фойдаланмоқда.

Тергов капитани бир неча кишининг ўлимига

СТРАТОСФЕРАДАН ЕРГА САКРАДИ

BBC News тарқатган хабарга кўра, австриялик скайдайвер Феикс Баумгартнер Американинг Нью-Мексико штати осмонидан 38 километр баландликдан ерга сакради.



43 ёшли Баумгартнер 38 минг 600 метр баландликка кўтарилиб, ҳаво шарига бириктирилган махсус капсулада ерга сакради. Ерга парвоз чоғида скайдайвер тезлик соати 1100 километрдан оширди. Бутун парвоз ўн дақиқадан камроқ вақт давом этди. Баумгартнер ерга муваффақиятли кўнган, спортчини вертолётда Розуэлла аэропортига олиб келишди.

Илгари "космосдан сакраш" об-ҳаво шароити сабабли бир неча марта кейинга сурилган эди. Австриялик спортчи 29 километр баландликдан синов тарзида 2012 йилнинг ёзида сакраганди. Ундан олдинги рекорд натижа 1960 йилда қайд этилган. Ушанда АКШ ҳарбий-ҳаво кучлари зобити Жозеф Киттингер 31 километр баландликдан сакраган эди.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди.

ҲАЁТ МАНЗАРАЛАРИ

ҚАМБАРБОЙНИНГ ОЛАПARI

Кишининг аёзли кунлари бошқалар қатори мингтепалликларнинг ҳам сабрини синовдан ўтказди. Ёз ёпинчигини кўйма, қалъа ўзинг биласан, деган ақиди қанчалик хиқилдиликка юз қарра амин бўлди.

Енгил-елпи тайёргарликка одатланиб қолган оилаларда совуқ кунларнинг ўтиши қийинлашиб кетди. Ноябрь ойининг охиридаёқ анча пасайган газ босими қайта қўтарилмади. Ота-болаларимиздан мерос қўлган чўян печка ва сандаллар ишга тушди.

Биздан беш-олти эшик наридаги Қамбарбой ўйини ёлчиб иситолмади шекилли, газ босими яхши бўлган шаҳарлик қариндошлариникига кўчиш тараддудига тушиб қолди.


Беш-ўн кунлик аёз ўтар-кетар. Бир оз чидаган, ота уйингизни ёлғизлатиб, баттар совиётманг. Ҳамма ҳам аёздан азоб чекапति, — дегувилар бўлди. Бирок Қамбарбой аҳдидан қайтмади. Хотини, бола-чақаси билан режани нақд қилдию кетди.

Қаранг-ки, унинг ити Олапар беғона жойни хушламади. Эртаси кунёқ ўзи ўсиб улғайган қаддон уйига қайтиб келди. Ақли ит кун бўйи кўни-қўшилариникида озикланади. Кечки пайт дарвоза олдида ётганча ўз уйини қўриқлайди. Собиржон ИНОМОВ.

БУ - ҚИЗИК

«БРИТАНИЯ» ИХЛОСМАНДАРИ ОРТМОҚДА

Интернет тармоғидаги "Британия" номли ўйин Гиннес рекордлари китобига киритилди. Сабаби ушбу ўйинни 14 минг киши ҳар кун 4-5 соат давомида, 2,5 минг эса бир вақтнинг ўзида ўйнашади. "Британия" савдога чиқарилиши билан 100 минг нусхаси сотилган. Унинг ихлосмандлари кун сайин ортмоқда.



«БРИТАНИЯ» ИХЛОСМАНДАРИ ОРТМОҚДА

ЖИНОЯТГА ЖАЗО МУҚАРРАР

«ШАПКА»СИ ИККИ МИНГ ДОЛЛАР



Сўнги пайтларда ўзимизда ишлаб чиқарилган машиналарни автосалонлардан харид қилишда "шапка", яъни ноқонуний устама ҳақ олинаётгани ҳақидаги гап-сўзлар қўлоққа чалиниб қолмоқда. Машинанинг муддатидан илгари салондан олиб чиқиб берилган, деб 2 минг АҚШ долларига устама ҳақ олинар экан.

Шамол бўлмаси дархатнинг учи қимирламайди деганларидек, бундай узун қўлоқ гаплар бежиз урчиётгани йўқ. Ўз нафсининг қўлига айланган баъзи кимсалар шундай маккорона йўл билан кўшимча даромад олишга ҳаракат қилишмоқда. Янгийўл тумани Мусаев қишлоғида ашовчи Абдуқаҳҳор Жўрабеков ва Шокир Булишбоев ўзларини шундай устамонлардан деб ўйлашиб, содда, гўл одамларни лажиллатиб, пулни оламини деб режа қилишганди. Аммо, чўчварани хом санашган экан. Чунки, бугун кишилар ўз ҳақ-ҳуқуқларини қай йўсинда талаб қилишни яхши билишади.

Гап шундаки, Бобохон Бобононов юк ва оила аъзолари учун жуда қўлай бўлгани учун йиққан-терганига "Дамас" олишни ният қилганди. Унинг бу ниятидан хабар топган А. Жўрабеков ва Ш. Булишбоев ўз мақсадларини амалга оширишга киришдилар.

"Тошвилоятавтотеххизмат" ОАЖ Чиноз филиалида таншилар борлигини айтиб, уни ишонтиришди. Кейинчалик филиалнинг автомобилларга техник

хизмат кўрсатиш шохобчаси бошлиғи Муроджон Хожамиёров "ишбилармон"ларнинг ҳамтовоғи экани маълум бўлди. Аввалига жиноятчилар миқозини ҳар нарсасига тайёр ҳолга келтириш учун ҳозир машина йўқлигини, салонга келса, ўзлари хабар қилишларини айтиб, обдон нархларини оширишди. Б. Бобононов эса машина жуда зарурлигини айтиб ялиниш даражасига борди. Шундан сўнг жиноий режа мувофиқ М. Хожамиёров филиалга "Дамас" келиб қолганини ўртақашлар орқали миқозга етказди. Шундан кейин миқознинг уқаси Фаррух Бобононов ва филиал ўртасида шартнома тузилди. Бунинг эвазига эса машинанинг давлат тўловидан ташқари яна "шапка"га 2 минг АҚШ доллари беришини айтишди. Аввалига бундай катта миқдорда пора талаб қилишларини кутмаган Бобононов бироз иккиланди ва розилигини билдирди. Кейин эса ўйлаб қўриб, ҳуқуқини ҳимоя қилишларини сўраб, тегишли идораларга мурожаат қилди.

Келишувга мувофиқ Тошкент шаҳар Олмазор метро бекати олдида Бобононовлар ҳамда ўртада турган А. Жўрабеков ва Ш. Булишбоев учрашиб, олди-берди қилишлари керак эди. Ўртақашлар миқозга шартнома, миқозлар эса 2 минг АҚШ доллари билан тўлашлари режалаштирилганди.

Афсуски, текин даромад уларга насиб этмади. Виловат Миллий хавфсизлик хизмати ҳамда прокуратура ходимлари ҳамкорлигида ўтказилган тежор тадбирда "ишбилармон"лар ашёвий далиллар билан қўлга олинди.

БИЛАСИЗМИ?

КУНИГА ТЎҚҚИЗ МАҲАЛ...

"Танангиз ва соғлигингизга зарар етказмай озмоқчи бўлсангиз, кунига тўққиз маҳал овқатланг" дея маслаҳат беради бир гуруҳ мутахассислар. Кун давомида оз-оздан тез-тез тановул қилиш инсон танасида модда алмашувини тезлаштириши ва озишга ёрдам беради. Қон босими мешёрга келиб, холестерин миқдори пасаяди. Шунингдек, кам миқдорда тез-тез овқатланиш, танада ёғ йиғилишининг олдини олади. Дармондориларга бой махсуслотлардан истеъмол қилиб, шундай овқатланиш тартибига риоя этсангиз, сизни вазн муаммоси қийнамайди ва соғлиқдан шикоятлар қамаяди.

КЕЧКИ ОВҚАТНИ... ЎЗИНГИЗ ЕНГ

Кўпчилик, айниқса, аёллар соат 18 дан кейин тановул қилинган ҳамма озиқ-овқат тананимизда ёғ йиғилишига сабаб бўлади деб ўйлаб, "кечки овқатни душманингизга бер" деган нақлга амал қилишади. Холбуки, мутахассислар инсон ошқозони кечаси кундузидан икки баравар фаолроқ ишлашини ва оч қоринга ухлаш зарарли эканини таъкидлайдилар. Бундан ташқари, қорни жуда оч одам тиничли ухломмайди.

Шифокорлар кечки овқатни ухлашдан икки-уч соат олдин тановул қилишни, ётшдан аввал эса олма, йогурт ёки бир стакан қатқич ичишни тавсия қиладилар.

ГАМБУРГЕР ВА АТРОФ-МУҲИТ...

Шифокорларнинг огоҳлантиришларига қарамай, кўпчилик гамбургерларни севиб истеъмол қилади. Айниқса, ўқувчи ва талаба-ёшлар қўндалик овқатларини тез тайёр бўладиган фаст-фудларсиз тасаввур қилолмайдилар. Бир гуруҳ олимлар гамбургерларнинг асосини ташкил этувчи котлетларни қовурадиган грил ҳавони ифлослантиришини аниқладилар. Қаранг-а, тез тайёрланган бундай ёғлиқлар билан савдо этувчи ресторонолар нафақат коматимиз, балки атроф-муҳит учун ҳам зарарли экан. Ишонқира-маясизми? Мутахассисларнинг ҳисобича, 18 гилдиракли фургон-арава 200 км. масофани босиб ўтганда ҳавони қанчалик ифлослантирса, ресторонода битта гамбургер тайёрланганда ҳам атрофга шунчалик зарар етар экан.

Кумуш ЭГАМБЕРДИЕВА тайёрлади.

РАССОМ ХАНДАСИ



cartoon.kulichki.com

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

БОШ МУҲАРРИР

Убайдулла АБДУШОҲИДОВ

Муассис: Тошкент вилояти ҳокимлиги

Манзилымыз: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32. e-mail: th.tp@mail.ru

Қабулхона: 233-64-95, 236-55-59, 233-58-85 (факс).

Бўлим муҳаррирлари ва мухбирлар: 233-12-83, 233-48-08.

Шартнома ва эълонлар: 236-55-54.

Ҳисоб-китоб бўлими: 233-54-10.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Навбатчи муҳаррир Жўра САЪДУЛЛАЕВ

Навбатчи Юлдузхон МУҲИДДИНОВА

Саҳифаловчи Тоҳир МАҲМУДУЖАЕВ